2016 ЙИЛ 17 МАЙ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (13.163)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИННОВАЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси якунланди.

Анъанавий инновацион ярмарка Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтказилди.

Инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий инновация тизимини ривожлантириш, юқори самарали технологияларни жорий этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, илм-фан ҳамда техниканинг устувор йўналишларини жадал ривожлантириш мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси давлат, илм-фан, ишлаб чиқариш ва бизнеснинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини самарали бирлаштириш, инновация жараёни иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг барча даражадаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда вазирлик ва идоралар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган давлат ҳамда хусусий корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий ва инновация марказлари, шунингдек, олим ва ихтирочилар иштирок этди. Тадбирда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ресурсларни тежаш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, импорт ўрнини босиш ва экспорт кўламини кенгайтиришга қаратилган 650 дан зиёд янги технология, ишланма ҳамда ғоялар тақдим этилди. Ярмарканинг ўтказилиши самарасида бу янгиликларнинг аксарияти яқин вақт ичида саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим соҳаларида кенг қўлланилади.

Аввалги ярмаркалардан фарқли равишда, бу галги тадбирда ташкил этилган "Экотехнология" бўлимида мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган ва жорий этишга тайёр 40 истиқболли ишланма намойиш этилди. Жумладан, ёш олим Илёс Худойназаровнинг "Биосалвент" ишланмаси шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувни тежаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга мўлжалланган.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари ҳамкорлигида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли" мавзуида семинар ўтказилди.

Тадбирда депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутахассислари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, журналистлар иштирок этди.

Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий жараёнлардан хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш имкониятини янада кенгайтирди.

Қонунда ахборот олувчининг ташкилот фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигига эгалиги, ахборотни олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиши, унинг муддатлари белгиланган. Бу аҳолининг давлат органлари иш жараёни билан танишиши учун қулайлик туғдирмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Семинарда ушбу қонун асосида олиб борилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар, очиқлик мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси хусусида маълумотлар берилди.

– "Очиқлик индекси" бўйича рейтинг баҳолаш давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги самарасини янада оширмоқда, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Марҳабо Ғофурова. – Бу ишончли маълумотларни тарқатиш, аҳолига янада қулайлик яратиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, мурожаатларини кўриб чиқишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Очиқликнинг ҳуқуқий асослари, мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлардан аҳоли хабардорлигини ошириш, сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини кафолатлаш, ташкилотларнинг веб-сайтларини тизимли ташкил этиш, расмий ахборотлар тарқатиш юзасидан фикрлашилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қаршида умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари ўртасида "Йил сардори" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти Зангиота туманида "Тинч юртнинг бахтли оилалари" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партия "Фаол аёллар" қаноти етакчилари, намунали оилалар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

• Наманганда "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Фарғонада ахборот-ресурс марказларидаги интерактив методларнинг баркамол авлод маънавий тарбиясидаги ўрни масаласига бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Хитой пойтахти Пекинда Зика безгагига чалинган дастлабки киши қайд этилди.

• Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти ўтган ойда бир кунлик нефть қазиб олиш ҳажмини 330 минг баррелга кўпайтириб, жами 32,76 миллион баррелга етказди. Бу 2008 йилдан буён нефть қазиб олиш борасидаги энг юқори кўрсаткичдир. ОПЕКка аъзо баъзи давлатларда углеводород хом ашёсини қазиб олиш ҳажмининг ошгани ана шу натижага эришишда асосий сабаб бўлди.

• Жорий йилнинг 1 июль куни Осака префектурасининг Суйта шаҳрида Япониядаги энг баланд томоша чамбарагининг илк мижозларни қабул қилиши кўзда тутилмоқда. Аттракционнинг баландлиги 123 метр бўлиб, 18 дақиқада бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Чамбаракка шаффоф полли 72 кабина ўрнатилган. Улардан иккитаси меҳмонлар учун мўлжалланган.

• Хитойнинг "Xiaomi" компанияси томонидан дунёдаги энг катта смартфонлардан бири яратилди. 16 мегапикселли камера, металл корпус ва илғор процессор ўрнатилган алоқа воситаси экранининг ўлчами 6,44 дюмга тенг. Янги смартфон тилла, кумуш ва кулранг кўринишларда мижозларга таклиф этилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб

БЕҚИЁС ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Тил – миллат мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспорти. Ўз навбатида, тилнинг бутун сеҳру жозибаси, латофати, қудрати биринчи навбатда ана шу тилда яратилган бадиий адабиётда намоён бўлади. Шу боис ўзлигини таниган, ўзини ҳурмат қилган ҳар бир миллат она тили ва адабиётининг дунё миқёсидаги нуфузини оширишни ҳаётий эҳтиёж, деб билади. Унинг ривожи йўлида бор куч-салоҳиятини сафарбар этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги тарихий Фармони ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. 1991 йилнинг 31 августида мустақилликнинг эълон қилиниши Ватанимиз ва халқимиз тарихида қанчалик буюк ҳодиса сифатида эътироф этилса, ушбу фармон она тилимиз ва адабиётимиз ривожида шунчалик қадрлидир.

Матбуотда ушбу фармонни ўқиб, кўкрагим тоғ қадар кўтарилди. Бизнингча, ушбу тарихий ҳужжатдан қуйидаги муҳим фикрларга келиш мумкин:

Биз дунёнинг энг қадимий тарихга эга миллатлариданмиз. Давлатимиз раҳбари фармонидаги: "Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради", деган сўзлари буни тасдиқлайди.

Президентимизнинг бу фикрлари теран асосларга эга. Мана, айрим далиллар. Бундан минг йил муқаддам буюк тилшунос Маҳмуд Кошғарий она тилимизнинг араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётганидан ифтихор қилган эди. Тасаввур қилинг, агар минг йил олдин она тилимиз ана шундай мавқега эга бўлган бўлса, бу даражага юксалиши учун қарийб яна бир-икки минг йиллик такомил босқичларини ўтаган бўлиши керак. "Муҳокамат ул-луғатайн"да Алишер Навоий бу ҳақда қуйидагича ёзади: "...уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборат гавҳари билан қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншъаидур..."

Эътибор беринг: "асл тилларнинг маншаъи..." Бу ҳазилакам гап эмас. Маншаъ – бу сўз "Навоий асарлари луғати"да: "бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши", дея изоҳланган.

Фармонда таъкидланганидек, ўзбек адабий тили ривожида Маҳмуд Кошғарийдан Лутфийгача, Алишер Навоийдан Фурқатгача, Маҳмудхўжа Беҳбудийдан Абдулла Қодирийгача бўлган мутафаккир адибу шоирларимизнинг ҳиссаси бениҳоя катта. Уларнинг бу борадаги бой ижодий меросини янги замон талаблари асосида ўрганиш ҳам ҳаётий эҳтиёждир.

Иккинчи муҳим хулоса она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, нуфузини мунтазам ошириб боришимиз зарурлигидир. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида таъкидлаганидек, биз дунёнинг энг бой тилларидан бирига воримсиз. Она тилимиз лексик қатламининг бой экани, ифода имкониятининг кенглиги жиҳатидан дунёдаги бирор тилдан қолишмайди. Эндиги вазифа уни янада бойитиш, жаҳон халқларининг тиллари орасидаги нуфузини янада юксалтиришдир.

Бугунги кунда она тилимизнинг ривожи учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган. Галдаги вазифа, фармонда таъкидланганидек, "...бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш..., она тилимизнинг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш"дан иборатдир.

Ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу каби ишлар буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети жамоаси зиммасига улкан масъулият юклайди. Узоқни кўзлаб, Ватанимиз, халқимиз манфаатини ўйлаб амалга оширилган, бениҳоя улкан аҳамиятга эга бу иш она тилимиз ва адабиётимизнинг бундан кейинги ривожи учун катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Илм-фанни ривожлантирмай таълим соҳасида бирор муваффақиятга эришиш қийин. Чунки илмдаги энг сўнгги янгиликлар талабалар аудиториясига олиб кирилса, амалиётга татбиқ этилса юксак самаралар беради. Янги университет жамоаси олдида фан ва таълимнинг юқори даражадаги интеграциясини таъминлашдек улкан вазифа турибди. Бу ўзбек тили ва адабиётининг устувор йўналишлари, ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ долзарб илмий муаммоларни тадқиқ қилишдан таълим тизимининг барча босқичларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этишгача бўлган кенг қамровли вазифалар ижросини қамраб олади.

Компьютер лингвистикаси соҳасини ривожлантириш, ўзбек тилининг ахборот услубини шакллантириш, она тилимизда матнларни автоматик таҳрирлаш, машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни, компьютер изоҳли ва таржима луғатларини ишлаб чиқиш, ўзбек тили ва адабиёти бўйича электрон дарсликлар, мультимедиа комплекслари, инглиз тилидаги IELTS, TOEFL типидаги мукаммал дастур тизимини яратиш сингари ҳозирги давр учун долзарб бўлган ишлар ҳам янги университет жамоаси зиммасида турибди.

Юртбошимизнинг ушбу фармони она тилимиз ва адабиётимиз ривожи учун беқиёс аҳамиятга эга тарихий қадам бўлди. Уни ҳаётга татбиқ этишдаги вазифалар ичида энг муҳими ҳар бир ишга ватанпарварлик, тарихи шонли, келажаги буюк халқимизга, унинг тили ва адабиётига чуқур муҳаббат туйғуси билан ёндашмоқ ва ёш авлод қалбига бу руҳни сингдирмоқдир. Она тилимиз ва адабиётимиз тақдири учун куюниш, унинг равнақи учун барча имкониятларни сафарбар этиш наинки янги университет жамоаси, балки бутун жамиятимизнинг, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
ЎзА

Пойтахтимизда "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси томонидан "Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш устувор вазифа" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тадбирда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, аҳолини истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, халқимиз дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш ва уларнинг хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу ўринда айтиш жоиз кейинги йилларда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган ғалла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавотларнинг миқдори кўпайди ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажми кескин ошди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусан, мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, уларнинг экспорт ҳажмини ошириш, тармоқда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, янги корхоналарни барпо этиш борасида "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хомашё базасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида 2016-2020 йиллар мобайнида қиймати 596 миллион доллар бўлган 180 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шундан 74 та лойиҳа хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, мутахассисларнинг таъкидлашича 70 та сутни қайта ишлаш, 50 та гўштни қайта ишлаш ва 60 та мевани қайта ишлаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилади.

Ҳудудларда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган савдо-логистика марказларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда лойиҳаларни молиялаштириш ва технологик ускуналар танлаш ишлари бошлаб юборилган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар 1 миллион 567 минг тонна мева, сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини харид қилиш бўйича шартномалар тузилди. Шу жумладан, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси тизимидаги корхоналар фермер хўжаликлари билан 906 минг тонна мева, сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини харид қилиш бўйича келишувга эришди. Бу кўрсаткич йил якунига қадар икки миллион тоннага етиши кутилмоқда.

Анжуманда шунингдек, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, юқори унумли ва тежамкор ускуналардан фойдаланиш, харидорлар дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ишлар олиб борилаётганлиги ҳамда хомашё ва ёрдамчи материаллар сарфини камайтириш, электр энергияси ва бошқа табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Абдували СОДИҚОВ

ИННОВАЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Сарвар Ўрмонов олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корхоналари илмий-тадқиқот институтлари, ташкилот ва компаниялар билан қиймати 300 миллион сўмликдан ортиқ қатор шартномалар тузди. Масалан, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан гидрогеологик қудуқларда ерости сув сатҳи ва ҳароратини автоматик ўлчаш қурилмасини ўрнатиш учун келишувга эришилди.

Ярмарка олий ўқув юртларининг илм-фан соҳасидаги инновацион салоҳияти ҳам йил сайин юксалиб бораётганини кўрсатди. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ўтказилаётган тадқиқотлар тармоқ ва корхоналарнинг муайян эҳтиёжларига хизмат қиладиган ва аҳамиятга молик кўплаб вазифаларни ҳал этишга қаратилгани билан ғоят муҳимдир. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, ярмаркада фаол иштирок этган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бундай ҳамкорлик самарасида янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қарийб 300 миллион сўмлик шартнома тузди. Олий ўқув юртининг ўқитувчи-профессорлари ва талабалари биргаликда ишлаб чиққан электрон намликни ўлчаш асбоби ва переферик кўктомирларни кўриш учун мўлжалланган мослама катта таассурот қолдирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ярмаркага келган иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Ярмаркада намойиш этилган истиқболли "Фаровон" сабзи нави фарғоналик фермер Муҳиддин Сайдалиевнинг эътиборини тортди. Бу нав гектаридан 50-60 тонна ҳосил олиш, сабзи уруғини четдан келтиришни камайтириш имконини беради.

Шунингдек, ярмарка давомида иштирокчилар мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлди. Шу муносабат билан ўтказилган иккинчи Тошкент халқаро инновация форумида инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида инновацияларнинг ўрни, инновацион иқтисодиёт учун ахборот оқимини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Ярмарка доирасида ёш дизайнерлар томонидан яратилган либослар намойиш қилинди, ёш олим ва талабалар "Робот-шоу" ташкил этди.

Якунланган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш механизмини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган илмий ҳамда инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз самарасини бераётганини яна бир бор тасдиқлади. Олимларимиз томонидан яратилган илғор технология ва ишланмаларнинг жорий этилиши натижасида импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси инновацион фаолият мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида муҳим омил бўлаётгани ифодасидир.

М.МАМЕТОВА
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли, изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2015 йил декабрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида республика видео семинари бўлиб ўтди. Мазкур семинардан кўзланган асосий мақсад, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчилар учун яратилган қулайликлар, хусусан, давлат солиқ қўмитаси томонидан янги ишга туширилган электрон солиқ хизматлари "my.soliq.uz" порталининг имкониятларидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

Тадбирда Олий Мажлис қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Бундан ташқари, ҳудудларда ташкил этилган студияларда тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, республика бўйича жами 800 дан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Таъкидланганидек, янги портални яратишдан мақсад – аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро муносабатларини электрон шаклга ўтказиш орқали фаолиятнинг шаффофлиги, тезкорлиги ва самарадорлик даражасини янги босқичга кўтаришдан иборат.

Электрон давлат хизматлари илғор хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан берилган таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олинган ҳолда, қайта кўриб чиқилди ва замонавий талаблар асосида такомиллаштирилди.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, порталда электрон давлат хизматлари интерактив ва ахборот давлат хизматларига ажратилди. Шунингдек, хизматлар йўналишига кўра, "мурожаатлар юбориш", "солиқларни тўлаш", "маълумотномалар олиш", "ҳисобга қўйиш" каби гуруҳларга бўлинди.

Бугунги кунда, давлат солиқ қўмитасининг 31 та электрон давлат хизматлари, шу жумладан 18 та интерактив ва 13 та ахборот хизматлари электрон солиқ хизматлари "my.soliq.uz" порталига жойлаштирилган. Бундан ташқари, 27 турдаги очиқ маълумотлардан ҳам фойдаланиш имконияти яратилган.

Порталда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ барча масалаларни электрон шаклда ҳал этишга мўлжалланган юридик ва жисмоний шахсларнинг шахсий кабинетлари янада қулай кўринишда қайта ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлар учун алоҳида шахсий кабинет жорий этилди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг 1 майидан бошлаб яна бир янгилик жорий этилди: корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан бўлган қарздорликлари ёки жорий йил учун ҳисобланган маҳаллий солиқларини шахсий кабинет орқали онлайн тўлаш имконияти яратилди.

Эндиликда, иш берувчи ўз ходимининг аризасига мувофиқ, маҳаллий солиқларини битта тугмани босиш орқали бюджетга ўтказиб бериши мумкин. Бунда тўловлар автоматик равишда ходимнинг шахсий карточкасига ёзилади ҳамда қарздор ходимларнинг реестрларини қоғоз шаклда солиқ идорасига тақдим этишга эҳтиёж қолмайди. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланиш ҳам мутлақо бепул. Ўтган қисқа муддат ичида (10 кунда) ушбу янги тизимдан 553 та юридик шахслар фойдаланиб, 3 мингдан ортиқ ходимларининг 290 млн. сўм миқдоридаги ер ва мол-мулк солиқларини интернет орқали тўлаб беришди.

Порталда жорий этилган яна бир янги хизмат "Фуқароларга ҳисобланган суғурта бадаллари" деб номланиб, унда иш берувчилар томонидан ҳар бир жисмоний шахс учун ҳисобланган суғурта бадаллари тўғрисидаги ахборотлар тақдим этилади. Ушбу хизмат ёрдамида жисмоний шахслар ўзига ҳисобланган суғурта бадаллари миқдорини портал орқали кўриб, назорат қилиб бориш имконияти яратилган. Бундан ташқари, ҳар бир хизматдан фойдаланиш бўйича алоҳида қўлланма ва ҳар бир хизматни кўрсатиш учун масъул бўлган давлат солиқ хизмати органи ходимининг исми-шарифи ва телефон рақами акс этиб туради. Унда солиқ идораларига юборилган мурожаатларни кўриб чиқиш босқичларидан хабардор бўлиш, хизматлар кўрсатиш сифатини баҳолаш, ўз фикр ва мулоҳазаларини Давлат солиқ қўмитасига тўғридан-тўғри юбориш имкониятлари яратилган.

Республика видео семинарида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан ўртага ташланган барча муаммоли саволларга мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоб берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Сайловлар – демократия кўзгуси

МУҚОБИЛЛИК ВА ТЕНГЛИК АСОСИДА

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бирдамлик каби тушунчаларни ўзида ифода этган маҳалла деб аталмиш бир гўша бор. Бу масканда миллийлик, урф-одат ва анъаналар бардавомлиги мужассам. Ёшларнинг одоб-ахлоқли, теран фикрлайдиган, Ватанига садоқатли бўлиб ўсишида, ота-онасига, оиласига меҳр-оқибатли, катталарга ҳурматда, кичикларга эса иззатда бўлишида маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

"Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Маҳалла тарбия ўчоғидир. Юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики фазилатларни ёшлар аввало маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлари, дуогўй онахонларидан ўрганадилар. Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини – маҳаллаларга катта эътибор бермоқдамиз", деган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, бугун маҳалла давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. Шу боис маҳалланинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугунги кунда Бектемир туманида 12 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, "Миришкор" маҳалласи тумандаги намунали маҳаллалардан биридир. Ушбу гўшада 4 мингдан зиёд аҳоли аҳил ва иноқ истиқомат қилиб келмоқда. Бинобарин, мазкур маҳаллада ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига пухта тайёргарлик кўрилди. Аҳоли ўртасида маҳалла фаолларидан тузилган ишчи гуруҳлари, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ҳамда туман комиссиялари иштирокида сайловолди тадбирлари, учрашувлар, семинарлар ўтказилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган тадбирда маҳалла аҳолисининг 69 вакили иштирок этди. Сайловчиларга раисликка кўрсатилган икки номзод ҳақида маълумотлар ва уларнинг дастурлари ҳавола қилинди ҳамда маслаҳатчи лавозимига кўрсатилган 22 номзод ҳақида ҳам маълумот берилди. Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда фуқаролар йиғини раиси ва унинг 15 нафар маслаҳатчиси сайланди.

– Аҳолимиз мени фуқаролар йиғини раислигига муносиб кўрган экан, уларнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламан, – дейди "Миришкор" маҳалласи оқсоқоли Рустам Ҳошимов. – Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши, фуқароларнинг тинч-тотув яшаши, оилалар фаровонлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш энг асосий вазифамиз. Шунингдек, фаолиятим давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, спорт ва бошқа фойдали ишлар билан шуғулланишлари учун имкон даражасида маслаҳатчилар билан ҳамкорликда шароит яратишга ҳаракат қиламан.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тумандаги "Чашма", "Олтинтопган", Зилола, Ҳусайн Бойқаро ва "Мажнунтол" маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди. Қолган маҳаллаларда бу жараён давом этмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

* * *

Ота-боболаримиз азалдан маҳаллани қадрлаган, ҳар бир ишни маҳалла аҳли билан маслаҳат қилган. Одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, эзгу орзу-мақсад сари бир ёқадан бош чиқариб интилган.

Маълумки, маҳалланинг нуфузи ва эртаси халқ томонидан сайланган раиснинг юксак салоҳияти, эл-юрт ўртасидаги обрўйи, катта ҳаётий тажрибаси, ташкилотчилик қобилияти ва ташаббускорлигига боғлиқ. Негаки, оқсоқоллар халқ билан ҳамжиҳат, шу азиз Ватан равнақини ўзларининг фахри, деб биладилар. Шунинг учун ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёни муҳим аҳамиятга эга.

Жойларда қизғин давом этаётган сайловлар мамлакатимизда маҳалла институтининг мавқеи ва фуқароларнинг фаоллиги янада ошганини амалда намоён қилмоқда ва фаол қатнашмоқда.

Айни кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида бўлгани каби Юнусобод туманида ҳам сайловлар қизғин давом этмоқда.

Биз ташриф буюрган "Бободеҳқон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари устувор бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига учта номзод кўрсатилди. Бу фуқароларга энг муносиб номзодни танлаш имконини берди. Сайловда маҳалла аҳли номидан 55 вакил иштирок этди. Номзодлар дастурида маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, маҳаллада кичик бизнес ва ҳунармандликни ривожлантириш, ёшлар таълим-тарбияси ва ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлиги асосий мақсад қилиб олингани сайловчиларга манзур бўлди.

Очиқ овоз бериш тартибида ўтказилган сайловда маҳалладошлари орасида обрў қозонган, катта ҳаётий тажрибага эга ва ҳозирга қадар, маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият олиб бораётган номзод энг кўп овоз олишга эришди. — 2011 йилдан буён маҳаллага етакчилик қилиб келаётган Тоир Иргашевга қайта ишонч билдирилди.

Раис маслаҳатчилари лавозимига кўрсатилган 26 номзод орасидан 13 нафари очиқ овоз бериш йўли билан сайланди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули бўлган маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора ошмоқда, — дейди маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Малика Зокирова. — Раис ва маслаҳатчиларнинг салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги ва тажрибаси ҳудудда кўплаб масалаларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ушбу лавозимларга катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган муносиб номзодлар сайланди.

Таъкидлаш жоизки, бугун юртимиз маҳаллаларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнлари фаоллик, дахлдорлик ҳисси билан ёндашилган ҳолда кечаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу эса демократик қадриятлар ҳаёт тарзимизга чуқур сингиб, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бораётгани, муқобиллик асосида адолат тамойилларига мос тарздаги сайлов тизимининг самарасидир.

Зиёда РАСУЛОВА

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ўтказилган "Президент асарлари билимдони" мавзуидаги эсселар танлови ғолиблари тақдирланди.

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти" етакчилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов асарлари ёшларнинг билим ва тафаккурини бойитадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган, ватанпарварлик ҳиссини кучайтирадиган улкан маънавий бойлик эканини таъкидлади.

Танловда иштирок этиш асносида ёшлар мустақилликка эришиш йўлидаги курашлар, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар тарихи ва аҳамиятини тушуниб етмоқда. Ўз мустақил фикрига, фуқаролик позициясига эга бўлиб улғаймоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Президент асарлари билимдони" эсселар танловига ёшларнинг қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётир. Бу йилги танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 1 минг 300 дан зиёд китобсевар ёш ижодий ишлари билан иштирок этди.

Улар Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Оила юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" асарларидан олган таассуротлари ҳақида эсселар ёзди.

– Танловда Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарларидан олган таассуротларим асосида ёзилган ижодий ишим билан иштирок этдим, – дейди Урганч давлат университети талабаси Мунира Раҳимова. – Бу асарлардан халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси, миллий қадриятларимиз, мустабид тузум давридаги аҳвол ва мустақилликнинг қадри ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим.

Танловда ҳар бир ҳудуддан ғолиб бўлган ёшлар тақдирланди. Шунингдек, "Энг яхши нотиқ", "Энг яхши ижодий ёндашув учун", "Энг фаол иштирокчи" каби номинацияларда ғолиб бўлган йигит-қизларга эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Пойтахтимиздаги Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида ҳам таълим сифатини янада яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

– Коллежда автомобиль ва машинасозлик соҳаси учун 9 йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда, – дейди коллеж директори ўринбосари Тўлқин Қурбонов. – Келгуси ўқув йилида яна икки йўналиш – кузов ишлари техниги ва йўловчи ҳамда юк ташишни ташкил этиш бўйича ўқувчилар қабул қилинади. Бу ерда 74 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш устаси 900 га яқин ёшга касб сирларини ўргатмоқда.

Таълим муассасасида 2 ўқув корпуси, 8 ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси, машғулот зали, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида. Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уларни келгусида иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг учун турли корхона ва ташкилотлар билан тўрт томонлама шартномалар тузилмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган 321 битирувчининг 210 нафари ўқишни тамомлагач, қаерда меҳнат қилишини билади.

– Ўқув-танишув ва ишлаб чиқариш амалиёти давлат таълим стандартлари асосида ўтказилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига ишлаб чиқариш таълими бош устаси Ф.Сейтмаметов. – Устахоналарда Жанубий Кореядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, битирувчилар уларда ишлашни пухта ўрганмоқда.

– Коллежда олган билимимни "Auto tuning sport" масъулияти чекланган жамияти автосервисида мустаҳкамламоқдаман, – дейди 3-курс ўқувчиси Эмир Маметов. – Ишлаб чиқариш амалиёти келажакда зарур тажрибага эга бўлиш имконини бераётир. Тузилган шартномага кўра, коллежни битирганимдан сўнг шу ерда ишлайман.

Р.БОНДАРЧУК

МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Бугун мамлакатимизда ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган олий ўқув юртида ўқиши, билимини янада мустаҳкамлаши, замонавий ахборот технологиялари сир-асрорини чуқур ўрганиши, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, қизиққан соҳада меҳнат қилиши учун барча имкониятларга эга.

Халқимизда "Меҳнат инсонни улуғлайди", "Меҳнатнинг таги роҳат" деган пурмаъно нақллар мавжуд. Инсон меҳнат туфайли яшаш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратади. Ҳалол меҳнат қилиб, халқ корига яраган инсонлар ҳамиша эъзоз топиб келган. Азалдан халқимиз меҳнаткаш ҳисобланади. Ўғил-қизларнинг болалигиданоқ меҳнат қилишга ўргатиб келади.

Меҳнатнинг турлари кўп. Баъзиларида моддий неъматлар ва ғоялар яратилса, бошқалари аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Меҳнат осон ва қийин, қўл меҳнати ёки техника воситаларига асосланган, муайян вақтга мўлжалланган ва эркин, ижодий бўлиши, шунингдек, юқори, ўрта ва паст малакани талаб этиши мумкин. Ҳар қандай меҳнат жараёнида меҳнат объекти ва субъекти мавжуд. Иш, меҳнат жараёни, меҳнат мотивацияси ва меҳнатдан қониқиш масалаларини меҳнат психологияси ўрганади ҳамда ўргатади. Меҳнат психологияси – психологиянинг мустақил тармоғи бўлиб, инсон меҳнати самарадорлигини ошириш, шахсий хусусиятлар ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши истиқболларини белгилаш кабилар билан шуғулланади. Меҳнат психологияси – психологик қонуниятлар ва шахс хусусиятларини меҳнат ва меҳнат қуроллари, жисмоний имкониятлар ҳамда ижтимоий муҳит билан ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ этади.

Шунингдек, меҳнат психологияси – меҳнатни фаолият тури ва меҳнат қилаётган инсонни мазкур фаолиятнинг субъекти сифатида қабул қилувчи психологик билимлар тизимидир. Айнан у меҳнат жараёнида инсон руҳиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганади. Шунингдек, касбга йўналтириш, касб танлаш, меҳнат муҳофазаси, касбий таълим ва мутахассис тайёргарлигини лойиҳалаш, касбий мослашув, касбий аттестация ва бошқа шу каби масалалар бўйича изланишлар олиб боради. Демак, меҳнат психологияси – инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Фирдавс ҲАЙДАРОВ,
Олий ҳарбий божхона институти 3-босқич талабаси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири, бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Маълумки, жамиятдаги ижтимоий муаммолардан бири вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг ажралмас қисми, мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш давлат ҳокимияти органлари, махсус субъектлар ва кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганларни, уларни жиноий фаолиятга жалб этувчи шахсларни аниқлаш, улар содир этаётган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, шунингдек улар яшаётган ва таълим олаётган жойларда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш мақсадида амалга оширилаётган тарбия, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий назорат воситалари орқали профилактик таъсир чораларини қўллашдан иборат давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган алоҳида фаолиятдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, маданий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни жуда муҳимдир. Маълумки, ҳар қандай мамлакат ўз келажагини болалар, вояга етмаган ёшлар тимсолида, аниқроғи уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишда кўриши табиийдир. Шу сабабли, мустақилликнинг дастлабки кунларидан республикамизда болалар ва ёшларнинг баркамол инсон бўлиб улғайишига алоҳида эътибор берилди.

Ўтган йиллар ичида республикамизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим устувор йўналиши — вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада тизимли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида кўрсатилгани, қолаверса жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар сифатида эътибор берилгани мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 30 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлигини кўрсатиб берди.

Ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилишга асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги "Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида милиция таянч пунктлари ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ривожлантириш орқали, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш жойларига айланиши кераклиги, қолаверса норматив ҳужжатларда таянч пунктининг асосий субъекти профилактика инспекторининг аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида обрўси унинг фаолиятини баҳоловчи асосий мезонлардан бири деб қаралишининг белгиланиши аҳоли турар жойларида ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Шундай экан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида, уларнинг ўқув муассасаларида, биргаликда яшаш жойларида, иш ва ўқиш жойларида профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш, ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Дарҳақиқат вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жамиятда ўрнатилган умуминсоний қадриятлар ва қилмишларига жавобгарлик ҳиссини уйғотиш масаласига жиддий, масъулият билан ёндошиш зарур.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, "Бир болага етти қўшни ота-она", "Боланинг бегонаси бўлмайди", "Маҳалланг — отананг" каби ибратли нақллар ҳам айнан вояга етмаган ўғил-қизлар тарбиясига барчамизнинг масъуллигимизни англатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда давлатимиз томонидан вояга етмаган ўсмир-ёшлар билан ишлаш,таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланиш, "Маҳалла-мактаб-оила" концепцияси асосида иш олиб бориш йўлга қўйилган.

Муродали ЮЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиси

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Сузук ота" маҳалла фуқаролар йиғинида "Маҳаллам кўрки – менинг ғурурим" шиори остида экологик акция ўтказилди.

ҚАДАМЖО ОБОД ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ташкил этилган экоакцияда ҳаракатнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзолари, Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ходимлари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда "Сузук ота" жоме масжиди ва қабристон атрофи ободонлаштирилди. 80 дан ортиқ манзарали дарахт, 200 дан зиёд турфа гул кўчати экилиб, шинам боғ барпо этилди.

– Сузук отанинг исми Мустафоқул бўлиб, 1140 йилда таваллуд топган, – дейди тарихчи олим Асқар Обидов. – У Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Ҳуштожнинг кенжа ўғли бўлган. Болалик чоғида бобоси у кишини эркалаб "Менинг сузигим (суюклигим), хуш келдингиз!", дегани боис шу исм бўлиб қолган. Сузук ота юзлаб шогирдларга илм бериб, ҳунарга, ҳалол меҳнатга ўргатган. 1217 йилда вафот этган. 1391 йилда буюк бобокалонимиз Амир Темур Яссавийнинг набираси Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган.

Мустақилликдан сўнг бу муқаддас қадамжо қайта тикланиб, ободонлаштирилди. Ушбу маҳаллада тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада ҳунармандлик, дурадгорлик, ўймакорлик ривожланган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлаш ёшларнинг экологик маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Экоакцияда маҳалла отахонлари ёшларга ниҳол экиш, уни парваришлаш борасида маслаҳатлар берди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири



Ислом Исмоилов олган сурат

Фармон ва ижро

ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Пойтахтимизда инсон ресурслари соҳасида инновация ва ахборот технологияларига бағишланган анжуман бошланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "DaVinci Solutions" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда акциядорлик жамиятлари раҳбар ва мутахассислари, бизнес-консультантлар, чет эллик экспертлар иштирок этмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, бизнесни бошқаришнинг замонавий усуллари амалиётга кенг жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишдаги ислоҳотларда янги даврни бошлаб берди.

Мамлакатимизда замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда Лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассислар тайинланишига замин яратмоқда.

– Инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш муваффақиятли бизнеснинг муҳим шартидир, – дейди ЎзА мухбирига "DaVinci Solutions" компанияси бошқарув ҳамкори Ҳилола Сулаймонова. – Мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароит бугунги кунга келиб тадбиркорларимиз олдига кадрларни саралаш ва уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланишга катта масъулият билан ёндашиш вазифасини қўймоқда. Шу боис ходимни топишдан унинг салоҳиятидан унумли фойдаланишгача бўлган жараёнларни ўзида қамраб олган ушбу соҳага талаб тобора ўсиб бормоқда.

Анжуманда қатор етакчи хорижий компаниялар мутахассис ҳамда таҳлилчилари томонидан кадрларни бошқариш соҳасида тўпланган илғор чет эл тажрибаси ҳамда инновацион ишланмалар тақдимотлари ўтказилади. Шунингдек, рекрутёрлар, ходимлар билан ишловчи менежерлар ҳамда бизнес эгалари учун маҳорат дарслари ташкил қилинади.

Б.БОЗОРОВ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан 2016 йилнинг 22-23 май кунлари соат 09:00 дан 17:00 гача "Бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилади.

Ярмаркада 400 га яқин корхона ва ташкилотлар ўзларининг 5000 дан ортиқ бўш (вакант) иш ўринлари билан қатнашади.

Бундан ташқари, тадбирда иштирок этадиган кўплаб тижорат банклари ўз бизнесини бошлаш истагида бўлганларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича содда ва қулай бизнес режаларини таклиф этади.

Марҳамат, ярмаркада иштирок этинг ва ўзингиз учун муносиб ишни танланг ҳамда яратилган имкониятлардан фойдаланинг.

Қўшимча маълумотларни mehnat.uz сайтидан ва қуйидаги телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.
(0 371) 239-13-61 ва (0 371) 254-11-03

Бегойим телевизорда "Happy Caravan" халқаро турнирини кўриб, бадиий гимнастикага қизиқиб қолди. Қизларнинг чиройли кийимлари, нафис ҳаракатлари уни ўзига ром этди. Буни онасига айтган эди, уни бадиий гимнастика тўгарагига етаклаб борди.

Болалар спорти

СОҒЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК АСОСИ

Шундан буён у пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шуғулланиб келади.

– Гимнастика қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, мусиқа ва рақс уйғунлигида уларнинг маънавий гўзаллигини шакллантиришга ёрдам беради, – дейди мураббия Севара Комилова. – Бегойимнинг соғлиги, характери, кайфиятида ўзгаришлар катта. Мактабдаги баҳолари ҳам аъло. Яқинда у "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичида учинчи ўринни эгаллади.

Бегойимнинг онаси Ирода опа бугун қизалоғининг қомати тик, ўзини ҳар жиҳатдан тетик ҳис этишидан мамнун.

– Қизимнинг бадиий гимнастика билан шуғулланиб, бўйи ўсгани, соғломлашганини кўриб, ўғлимни ҳам спортга бердим, – дейди Ирода Умрзоқова. – Икки йил олдин укаси Дилбекни айнан шу мактабга олиб келганман. Бизнинг ёшлик чоғимизда спорт билан шуғулланиш учун бундай шароитлар қаёқда эди, дейсиз. Бугунги ёшларга яратилган имкониятларни кўриб, ҳавасимиз келади.

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини, хусусан, унинг нафис турларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бадиий гимнастика қизлар орасида тобора оммалашиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий спорт мажмуаларида қизларнинг мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилган.

Яккасарой туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги мавжуд 30 дан зиёд гуруҳда ўқувчилар спортнинг 14 тури билан мунтазам шуғулланади. Бу ердаги шарт-шароитлардан нафақат ёш гимнастикачилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам мамнун. Муассасада бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар эришаётган муваффақиятларга ҳавас қилса арзийди.

– Беш ёшимдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланаман, – дейди Яккасарой туманидаги 127-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Ангелина Телушкина. – Бу спорт тури менга аъло баҳоларга ўқишни, доимо ҳаракатда бўлиб, соғлом юришни ўргатди. Ҳамма ишга улгураман: дарс қилиш, ойимга ёрдам бериш, машғулотларга кечикмасдан келиш.

– Спорт тўгаракларимизда шуғулланиш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда, – дейди ЎзА мухбирига мактаб директори Равшан Ғафуров. – Шуни ҳисобга олиб, бокс, бадиий гимнастика бўйича қўшимча гуруҳлар ташкил этдик. Муассасамизда мингдан зиёд ўғил-қиз спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, сузиш, бадиий гимнастика, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши каби турлари билан шуғулланиш имконига эга. Уларга ўттиздан зиёд олий тоифали, малакали мураббий сабоқ бермоқда.

Мутахассислар фикрича, болаларни 10 ёшгача, яъни 1_2-4-синф оралиғида умумий жисмоний тайёргарлик, енгил атлетика, бадиий гимнастика, сузиш, стол тенниси билан шуғуллантириш керак. Бу даврда боланинг суяклари, умуртқа поғонаси бирмунча эгилувчан бўлади. Ортиқча зўриқиш ва фаол ҳаракат етишмаслиги сколиозга олиб келади. Шу сабаб 5-6 ёшдан қизларни бадиий гимнастикага йўналтириш айни муддао. Бу спорт тури қоматни гўзал қилиш баробарида, назокат билан ҳаракатланишга ўргатади, мувозанатни юқори аниқликда сақлаш, мушаклар фаолиятини яхшилашда ҳамда санъат билан дўстлашишда муҳим ўринга эгадир.

Ёшларни спортга жалб этишга қаратилаётган улкан эътибор улар ўртасида сурункали касалликларга чалиниш ҳолатларини сезиларли даражада камайтириб, вазни ва бўй-бастида ижобий ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Тадқиқотлар мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётгани улар орасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар, пневмония ва бронхит билан касалланиш ҳолатлари камайганини кўрсатмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Азима ҚИЁСОВА

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ





Аъло Абдуллаев олган суратлар

Ўзбекистон давлат консерваториясида дамли ва зарбли чолғу асбоблари ижрочилиги бўйича "Санъат ғунчалари" халқаро танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, уларнинг дунёқараши, тафаккури ва маънавиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу эътибор ва ғамхўрлик ёшларимиз қалбида она Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва ифтихор, эртанги кунга юксак ишонч туйғуларини янада мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли танловда Ўзбекистон ва қатор мамлакатлардан зарбли ва дамли чолғу асбоблари ижрочилиги йўлида изланаётган 160 дан ортиқ ёш истеъдод қатнашди.

Ёшларнинг истеъдоди ва маҳоратини баҳолаш, уларни янги парвозлар сари илҳомлантиришга хизмат қилаётган мазкур танловда иштирокчилар флейта, гобой, кларнет, фагот, саксофон, труба, валторна, тромбон, туба каби дамли ва зарбли чолғу асбобларида миллий ва жаҳон классик мусиқаларидан композицияларни ижро этди.

"Санъат ғунчалари" халқаро танлови иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъати ушбу форум юксак савияда ташкил этилганини таъкидлар экан, анжуман нафақат Ўзбекистон, балки хорижий мамлакатлар ёш ижрочиларига ўз иқтидорини намойиш этиш, уларнинг ижрочилик кўникмаларини оширишда, бебаҳо миллий санъатимизни жаҳонга янада кенг намоён этишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

– Санъат аҳли қадрланадиган Ўзбекистондек юртга муносиб фарзанд бўлиш биз учун улкан шарафдир, – дейди танлов ғолиби, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Шуҳрат Турдихўжаев. – Ушбу халқаро танловда ғолиб бўлганимдан қувончим чексиз. Бу ютуғим менинг мусиқа оламида ижрочилик сир-асрорларини янада пухта ўрганишимда муҳим асос бўлади.

– Ўзбекистон ёшларининг улкан иқтидори ва салоҳияти бизда катта ҳавас уйғотди, – дейди ЎзА мухбирига кларнет йўналиши бўйича учинчи ўрин соҳиби Вюгар Ибадов (Озарбайжон). – Мамлакатингизда ёш санъаткорларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликка гувоҳ бўлиб, ғоят таъсирландим. "Санъат ғунчалари" халқаро танловида кўплаб дўстлар орттирдим. Бизни қўллаб-қувватлагани ва кўрсатилган эътибор учун ўзбекистонлик санъат ихлосмандларига ташаккур билдирамиз.

Танлов доирасида иштирокчилар қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб, бетакрор меъморий обидалар ва тарихий ёдгорликларни кўздан кечирди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида яратилган шароитлар, мусиқа таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишди. Истиқлол йилларида шаҳарда барпо этилган замонавий иншоотлар, муҳташам маданият ва санъат кошоналари иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Танлов якунида барча йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар тақдирланди. Ёш истеъдод соҳиблари иштирокида концерт намойиш этилди.

Ирода УМАРОВА

Санъат

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Соғлом она ва бола" йилига бағишланган "XXI аср фан ва маданияти тараққиётида замондошларимиз ўрни" мавзуида талабалар ўртасида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда мусиқа соҳасидаги янгиликлар, эришилган ютуқлар, шу соҳада фаолият кўрсатаётган устозлар ижоди ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Анжуманда олийгоҳнинг бакалавр ҳамда магистр босқичида таълим олаётган мусиқашунослик, фортепьяно, эстрада хонандалиги, эстрада чолғу ижрочилиги, академик хонандалиги, бастакорлик санъати, композиторлик, мусиқий овоз режиссёрлиги бўлими талабалари ўзлари тайёрлаган илмий мавзудаги маърузалари ҳамда куй, қўшиқ ижролари ва видеолавҳалари билан иштирок этди.

Тадбирда иштирок этган А.Казаева, З.Хамзина, Ш.Равшанова ва М.Шарипова каби талабаларнинг тайёрлаган илмий маърузалари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

– Менинг "Оммавий маданият" ва унинг ўзбек мусиқа санъатига таъсири" мавзуидаги тайёрлаган илмий маърузам анжуман иштирокчиларида қизиқиш уйғота олганидан хурсандман, – дейди мусиқашунослик бўлими иккинчи босқич талабаси Шоҳсанам Равшанова. – Илмий анжуманда ўзим учун кўплаб мусиқа соҳасига оид янгиликларга эга бўлдим. Ташкилотчилар томонидан диплом билан тақдирланганим ўз устимда янада ижод қилишим учун туртки бўлади.

Дарвоқе, бу каби анжуманлар талаба-ёшларнинг билим салоҳиятларини ошириш, ўз устида изланиш, ижод қилишига чорлайди десак муболаға бўлмайди.

Тадбир сўнгида анжуманда иштирок этган барча талаба-ёшлар сертификат билан тақдирланди. Ғолибларга эса дипломлар топширилди.

Нилуфар ҚАРШИЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
1-босқич талабаси

ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Бектемир туманидаги 30-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида туман "Камалак" болалар ташкилотининг "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!" шиори остида XV анжумани ўтказилди.

Унда тумандаги 5 та мактабнинг барча "Камалак" сардорлари, бошланғич ташкилот етакчилари, мактаб раҳбарлари иштирок этди.

Анжуман "Камолот" ЁИҲ қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти, Сардорлар Кенгаши ва бошланғич ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш, сардорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

"Камолот" ЁИҲ Бектемир туман Кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкил этилган тадбир Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз томонидан ёшларга билдирилган ишончни оқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмонан баркамол авлод қилиб тарбиялаш, соғлом авлодни вояга етказиш чора-тадбирларини янада кучайтириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилиш борасида фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди.

Йил давомида ташаббускор бўлиб, жамоат ишларида фаол иштирок этган етакчи ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши томонидан "Йил "Камолот" етакчиси – 2016", "Йил "Камолот" маликаси – 2016", "Йил сардори – 2016", "Камолот" фидойиси – 2016", "Камолот" ифтихори – 2016" номинациялари бўйича диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ САЛОМАТЛИК

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида сув спорти ҳам оммалашмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази ёш авлоднинг сузиш билан шуғулланиши, профессионал спортчи бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

2006 йилда фаолиятини бошлаган ушбу сув спорти саройи ёпиқ турдаги замонавий сув ҳавзасига эга. Бу ердаги технологик ускуналар сув тозалигини доимий таъминлаш, сув ҳароратини белгиланган меъёрда ушлаб туриш имконини беради. Ана шундай қулай шароитларга эга сув ҳавзасида спорт билан шуғулланаётган болалар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда мингга яқин ўғил-қиз шуғулланмоқда. Ёз ойларида соғломлаштириш машғулотларига жалб этилган болалар янада кўпаяди.

– Фарзандларни спорт тўгарагига жалб қилишда спорт турини тўғри танлай олиш ўта муҳимдир, – дейди марказ директори Чори Саидов. – Бунда болаларнинг жисмоний имкониятини ва иштиёқини инобатга олиш даркор. Сузиш ва гимнастика машғулотлари ҳар қандай спорт тури билан шуғулланиш учун пойдевор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу марказга боласини етаклаб келаётган ота-оналар кўпчиликни ташкил қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сув спорти билан шуғулланиш кичик ёшдаги болаларда нисбатан кўп учрайдиган сколиоз, ясситовонлик, ортиқча вазн ёки вазн етишмаслиги, камқувватлик, астма, остеохондроз, суяк-бўғим тизимидаги бирламчи хасталиклар ривожланишининг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

– Саккиз ёшли қизим Зинура бир йилдан бери сузиш машғулотларига қатнайди, – дейди Дилноза Мажидова. – Илгари у тез-тез шамоллаб қоларди, нимжонлиги учун дарсларни ўзлаштиришда ҳам қийналарди. Мутахассислар сув спорти билан шуғуллаништириши маслаҳат беришди. Қизимнинг соғлиғи спорт орқали мустаҳкамланди, мактабдаги устозлари дарс жараёнида анча фаоллашганини айтишмоқда.

Машғулотларга қатнашиш истагида келганлар, аввало, шифокор кўригидан ўтказилади. Шифокорлар ҳар бир иштирокчининг жисмоний ва руҳий ҳолатини доимий кузатиб боради.

– Сузиш камқонлик, қандли диабет, шамоллаш, бўғинларда туз йиғилиши, стресс, сурункали чарчаш каби хасталикларнинг олдини олади, – дейди шифокор Дилдора Мирзокирова. – Бу спорт тури билан шуғулланиш, айниқса, хотин-қизлар учун фойдали. Кўплаб ўрта ва юқори ёшдаги аёлларда қон босими, бош ва белда оғриқлар пайдо бўлади. Сузиш бу каби дардларнинг олдини олибгина қолмай, уларни даволайди ҳам.

Сузиш билан шуғулланиш болаларнинг суяк ва мушак тўқималари тўғри ривожланиши, нафас олиш тизимининг мустаҳкамланиши, организмнинг кислород билан таъминланиши, тана ҳаракатчанлиги, эгилувчанлиги, тезкорлигини оширишга хизмат қилади.

Буни инобатга олган Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази ходимлари Соғлом она ва бола йилида хотин-қизлар ва болаларни сузишга кенгроқ жалб этиш йўлидаги ишларни изчил давом эттириб, маҳаллалар, таълим масканлари билан ҳамкорликда бир қатор спорт мусобақалари ўтказишни режалаштирган. Бундай мусобақалар маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кучайтириш, уларни оммавий спортга, жумладан, сув спортига кенг жалб этиш ва саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Огоҳлик — давр талаби

Бугунги кунда одам савдоси жинояти барча давлатларни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги вақтда бу мудҳиш иллатга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгайиб бормоқда.

Одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида юртимизда ҳам қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Хусусан Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилган. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланган. 2008 йилнинг 17 апрелида эса, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. 2008 йилнинг 8 июлида Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори имзоланган.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Мирзо Улуғбек тумани ҳудудий комиссияси томонидан ўтказилган ўқув-семинар машғулоти ҳам айнан юқоридаги мавзуга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Анжуманда сўз олган комиссия раиси Ш.Аҳмедов, туман ИИБ ЖҚ ва ЎЖККБ ходими Д.Абдужабборов, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Ш.Исамуҳамедова, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлиғи Н.Норбоев, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Абидовалар одам савдосига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар, бу борада ИИБнинг вазифалари ва ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги, демортация бўлган, яшаш жойларидан узоқ муддатга чиқиб кетган ва қайтиб келган, одам савдосидан жабрланган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш масалалари, шунингдек, ушбу иллатнинг олдини олишда аҳоли билан, айниқса ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг самарадорлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтдилар, шу билан бирга аниқ мисоллар орқали йиғилганлар эътиборини долзарб мавзу моҳиятига қаратдилар.

Тадбир охирида ўқув-семинар машғулоти юзасидан бўлиб ўтган қизғин мунозара-мушоҳадалар барчани одам савдосидек иллат домига тушиб қолмаслик, ҳамиша огоҳ ва фаол бўлишга чақирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи жамоаси кимё фани ўқитувчиси, кимё фанлари номзоди, доцент

Муаттар Азимовна АЗЛЯРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***18 май*** *да Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент шаҳрида ***18 май*** *куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ